Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 28 сентябрь, № 202 (9373) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни 27 сентябрь — Бутунжаҳон туризм куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги кунда туризм мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган, минглаб янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган истиқболли тармоққа айланиб бормоқда.

Кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсати, виза тартибининг соддалаштирилгани, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасининг кенгайтирилгани, тадбиркорлар учун қўплаб солиқ ҳамда божхона имтиёзлари жорий қилингани соҳа ривожига янги шиддат бермоқда.

Бунинг тасдиғини 2025 йилда Ўзбекистонга келган хорижий сайёҳлар сони 2016 йилга нисбатан салкам 6 баробар ошиб, қарийб 12 миллион нафарга етгани, туризм хизматлари экспорти 11 карра кўпайиб, 4 миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизнинг глобал туризм сиёсатидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2027 йил Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили деб эълон қилингани, БМТ Туризм ташкилоти республикамизни дунёдаги энг тез ўсаётган бешта сайёҳлик йўналишига киритганини таъкидлаш лозим.

Албатта, бундай ютуқлар замирида юртимиздаги минглаб туроператор ва турагентлар, меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ходимлари, гид ва экскурсоводлар, рестораторлар, транспорт ва сервис компаниялари вакиллари, ҳунармандлар, маданият намояндалари, музей ходимлари, устоз-мураббийларнинг машаққатли меҳнати мужассамдир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу йўналишларда сидқидилдан хизмат қилаётган барча соҳа ходимларига самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ташриф қоғози бўлган Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Бурҳониддин Марғиноний мажмуалари, Замонавий санъат маркази каби кўплаб масканлар бутун халқимиз қатори хорижий сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Биз бу борадаги ишларимизни изчил давом эттириб, гўзал диёримизни жаҳондаги замонавий сайёҳлик инфратузилмаси янада ривожланган энг машҳур туризм марказларидан бирига айлантиришга қарор қилганмиз. Шу мақсадда Хивада ўзида тарих ва замонавийликни уйғунлаштирган халқаро туристик шаҳарча, конгресс маркази ва тарихий-этнографик боғ барпо этиш, Ичан қалъани рақамли технологиялар асосида “ақлли” музей-мажмуага айлантиришни режалаштирганмиз.

Самарқандда эса ноёб экспонатлар жамланган Ипак йўли музейи ташкил этилади. Қорақалпоғистонда археологик ёдгорликлар бўйлаб янги туристик йўналишлар очилади. Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида “Ғилон”, Наманган вилоятининг Поп туманида “Арашан” каби янги мажмуалар ташкил этилади.

Соҳада замонавий технологияларни кенг жорий этиш, ягона миллий туризм платформасини ишга тушириш, сайёҳлик хизматларини битта тизимга интеграция қилиш, сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш, кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш ҳам устувор вазифа бўлиб қолади. Гастрономик, экологик, зиёрат, тиббиёт, тоғ ва саргузашт, ишбилармонлик, этно ва қишлоқ туризми каби юқори қўшилган қиймат яратадиган йўналишларни жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Ана шундай долзарб вазифаларни амалга ошириш орқали биз 2030 йилга бориб хорижий сайёҳлар сонини йилига 20 миллион нафарга, туризмнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 7 фоизга етказиш, хизматлар экспортини 8 миллиард доллардан ошириш, юқори тоифадаги меҳмонхоналар сонини эса икки карра кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Бундай улкан марраларни эгаллашда, аввало, ўз ҳаётини туризм соҳаси билан боғлаган, юртимизни, унинг қадимий тарихи ва маданиятини дунёга тарғиб этишни ўзининг профессионал бурчи деб биладиган сизлар каби ташаббускор ва ташкилотчи инсонларга таянамиз.

Ҳеч шубҳасиз, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимларнинг фидокорона меҳнатини муносиб рағбатлантириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Шу муносабат билан **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган туризм ходими” фахрий унвонини** таъсис этсак, ўйлайманки, бу таклифни барчангиз қўллаб-қувватлайсиз.

Сизларни Бутунжаҳон туризм куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, шарафли фаолиятингизда омад ва зафарлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрли ўғил-қизларим!

Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Дунё шахмат осмонида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган сиз, азиз фарзандларимни 46-Жаҳон шахмат олимпиадасида эришган тарихий ғалабангиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Икки карра олимпиада чемпиони деган юксак шарафли унвон, буюк зафар барчамизга, кўп миллатли халқимизга муборак бўлсин!

Мана шу ғоят ҳаяжонли онларда 200 дан зиёд мамлакатдан 2 мингга яқин энг кучли ва машҳур гроссмейстерлар, номдор жамоалар иштирок этган муросасиз беллашувларда кўрсатган ақл-заковатингиз, юксак иродангиз, маҳорат ва жасоратингиз учун бутун эл-юртимиз, дунё шахмат жамоатчилиги сизларга тасаннолар айтмоқда.

Сизлар — Янги Ўзбекистон қаҳрамонлари, жаҳон шахмат оламида янги тарих яратган олтин авлодсиз. Бутун халқимиз сизлар билан чексиз фахрланади, ғурурланади.

Ушбу нуфузли мусобақаларда сизлар тенгсиз ақл ва тафаккур эгалари бўлган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк аждодларимизга муносиб ворислар эканингизни амалда намоён этдингиз.

Сизлар амалдаги Олимпиада чемпиони — Ҳиндистон жамоасини мағлуб этдингиз. Қадимий шахмат мактаби ва кўплаб гроссмейстерларга эга бўлган Хитой жамоаси устидан тарихий ғалабани қўлга киритдингиз. Дунё рейтингида биринчи ўринни эгаллаб келаётган, олти карра Олимпиада чемпиони бўлган АҚШ жамоасидан ҳам устун келдингиз.

Нодирбек Абдусатторов барча ўйинлар давомида мағлубият нима эканини билмасдан, чинакам жамоа лидери эканини исботлаб, биринчи тахтада олтин медаль соҳибига айланди.

Нодирбек Ёқуббоев эса Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва АҚШ вакилларига қарши муросасиз баҳсларда чинакам ирода ва матонат кўрсатиб, жамоамиз учун ҳал қилувчи ғалабаларни таъминлаганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Айниқса, Ёқуббоевнинг ҳиндистонлик Нихал Саринга қарши беллашуви ҳақиқий драматик жанг бўлди. Янги Ўзбекистон вакилининг энг қийин вазиятда ниҳоятда топқирлик билан қўллаган тактик юришларини кўриб, дунё шахмат мухлислари ҳайратдан қотиб қолди.

Яна бир мард ўғлонимиз, Жавоҳир Синдоров чемпионларга хос ўйин кўрсатиб, умумий ғалабага катта ҳисса қўшди.

Бундай йирик халқаро мусобақада биринчи марта иштирок этган Муҳиддин Мадаминов ўғлимизнинг кучли рақибларига кутилмаган зарбалар бергани ва бирорта ҳам мағлубиятга учрамагани юксак баҳога муносибдир.

Шамсиддин Воҳидов Ҳиндистон, Туркия ва Венгрия вакилларига қарши муросасиз ўйинларда ўзини йўқотмасдан, муҳим очколарни олишга эришгани ҳам мухлислар хотирасида сақланиб қолади.

Бир сўз билан айтганда, терма жамоамиз аъзоларининг ҳар бири ўзига ишониб, фақат олдинга қараб борганини кўриб, Янги Ўзбекистонда қандай буюк шахмат мактаби, шахматчилар авлоди шаклланганига бутун дунё тан берди.

Мусобақаларда иккинчи таркиб билан иштирок этган жамоамиз қайд этган натижа ҳам бизни қувонтиради.

Жаҳонгир Воҳидов ўғлим кучли ирода кўрсатиб, ушбу жамоамизни совринли ўринлар сари бошлади. Испания, Англия ва Нидерландия каби давлатлар вакиллари устидан қозонилган ишончли ғалабалар унутилмас тарихга айланди.

Аёллар жамоамиз ҳам кескин курашларда ҳақиқий матонат намунасини кўрсатди. Улар АҚШ жамоаси билан тенгма-тенг баҳс олиб борганлари, 11 та турда 7 та ютуққа эришиб, ўн учинчи ўринни қўлга киритгани ҳам муҳим натижадир.

Самарқанд олимпиадасида парашахматчиларимиз ҳам улкан жасорат кўрсатиб, бундай ўйинлар тарихида биринчи марта бронза медалини қўлга киритишди. Селби қизим шахсий ҳисобда кумуш, Абдулазиз ўғлим бронза медалига сазовор бўлгани, Аҳадхон ўғлим умуман мағлуб бўлмагани мени жуда хурсанд қилди.

Эл-юртимиз барча шахматчиларимиз тимсолида кучли билим ва ирода соҳибларини, катта-катта марраларни забт этишга қодир бўлган Янги Ўзбекистон ёшларини кўради.

Ҳеч шубҳасиз, бу юксак ғалаба барчамизга янги куч-ғайрат, руҳ ва илҳом бағишлайди, ёш авлодимиз учун чинакам ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда шахмат ривожига берилаётган доимий эътибор, йўлга қўйилган самарали тизим ва қулай шароитлар сизлар эришган натижаларни таъминлашда муҳим омил бўлди. Яқинда бу борада яна бир Президент қарорини қабул қилдик. Ушбу ҳужжат яқин келажакда янада улкан натижалар учун, албатта, мустаҳкам замин яратади.

Ўзбекистон шахмат федерацияси ФИДЕ томонидан 2026 йилда “Энг яхши федерация” номинациясида ғолиб деб топилгани, тажрибали мураббий, гроссмейстер Рустам Қосимжонов ФИДЕнинг фахрий вице-президенти, Ҳулкар Тоҳиржонова ФИДЕнинг Марказий Осиё давлатлари бўйича минтақавий президенти этиб сайланганини Ўзбекистоннинг шахмат мамлакати сифатида обрў-эътибори ошиб бораётганининг яна бир далили сифатида қабул қиламиз.

Азиз фарзандларим!

Икки ҳафта давомида азим Самарқанд шаҳри бамисоли жаҳон шахматининг пойтахтига айланди. Бу ерда бўлиб ўтган нуфузли мусобақалар, қатнашчи давлатлар ва шахматчилар сонига кўра рекорд натижалар билан тарихга кирганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Барчамизнинг умумий ғалабамиз уч минг йиллик бой тарих ва маданият овози келиб турган, XIV-XV асрларда Иккинчи Ренессанс марказларидан бири бўлган бу буюк шаҳарда қўлга киритилгани унинг қадр-қимматини янада оширмоқда.

Шу йил ноябрь ойида бизни яна бир катта шахмат байрами кутиб турибди. Жаҳон тожи учун бўладиган тарихий беллашувда шахматимиз фахри Жавоҳир Синдоровдан барчамиз улкан зафарларни кутиб қоламиз. Сен бунга албатта қодирсан, Жавоҳир болам!

Фурсатдан фойдаланиб, 46-Жаҳон шахмат олимпиадасида Ватанимиз шон-шуҳратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган ўғил-қизларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига, терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин дилдан самимий миннатдорлик билдираман.

Ушбу мусобақаларни юксак даражада ташкил этган, олимпиада иштирокчиларига халқимизга хос меҳмондўстлик, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатган Самарқанд вилояти аҳлига ва маҳаллий ҳокимлик вакилларига, барча ташкилотчиларга катта раҳмат айтамиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, келгуси фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.


Бизга мана шундай буюк шукуҳ, улуғ зафарларни тақдим этган шахматчи фарзандларимиз доимо соғ-омон бўлсин!

Сизларга ҳамиша порлоқ ғалабалар ёр бўлсин, азиз болаларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САЙЁҲЛИК – ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА МУҲИМ ЎРИН ТУТУВЧИ ИСТИҚБОЛЛИ ТАРМОҚ

Факт ва рақамлар



БМТ Туризм ташкилоти Ўзбекистонни дунёдаги энг тез ўсаётган 5 та сайёҳлик йўналишига киритди.

Ўтган йили юртимизга келган хорижий сайёҳлар сони 2016 йилдагига нисбатан салкам **6 баробар** ошиб, қарийб **12 миллион** нафарга етди.

Туризм хизматлари экспорти **11 карра** кўпайиб, **4 млрд. 800 млн.** АҚШ долларини ташкил этмоқда.

2030 йилга бориб

— хорижий сайёҳлар сонини йилига **20 млн.** нафарга;

— туризмнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини **7 фоиз**га етказиш;

— хизматлар экспортини **8 млрд.** доллардан ошириш;


— юқори тоифадаги меҳмонхоналар сонини **2 карра** кўпайтириш кўзда тутилган.



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ЖАҲОН ШАХМАТ ОЛАМИДА ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТДИ

Самарқанд шаҳри сентябрь ойида шахмат фестивалига мезбонлик қилди. Гап шундаки, бу ерда “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марказида учинчи парашахмат, 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадалари ва Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ)нинг 97-конгресси билан боғлиқ йирик тадбирлар бўлиб ўтди.

Икки ҳафта давомида бутун дунё шахмат ихлосмандлари эътиборини Самарқандга қаратган мазкур Олимпиада мусобақалари, унинг доирасидаги тадбирлар жаҳон шахмати ривожига беқиёс ҳисса қўшиш билан бирга янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи нақадар юксалаётганлигини яна бир бор исботлади.



Ғалаба муборак!





STANDINGS

AFTER ROUND 11

NO.	TEAM	TB3	TB2	TB1
01	UZBEKISTAN	32,5	455,5	20
02	INDIA	28,5	405,5	18
03	GERMANY	28,5	386,5	18
04	USA	29	391,5	17
05	AZERBAIJAN	28,5	364,5	17
06	ARMENIA	27	339,5	17
07	HUNGARY	24,5	320,5	17
08	CHINA	28	374,5	16
09	FRANCE	28,5	366,5	16
10	SPAIN	28,5	354,5	16

TB1: Match achkolari – g'alaba uchun 2 achko, durang uchun 1 achko, mag'lubiyat uchun 0 achko.
TB2: Eng past natija hisobga olinmagan Olimpiada Sonneborn–Berger koeffitsiyenti (Chennai).
TB3: O'yin achkolari (game points).

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг 11-тур ўйинлари нуфузли мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари номини аниқлаб берди. Ўзбекистон Украина билан учрашув тугашидан олдин чемпионликни математик жиҳатдан кафолатлади. Чунки Ҳиндистон сўнгги турда Венгрия билан (2:2) дуранг ўйнади. Ўзбекистон 10 турдан кейин Ҳиндистондан бир очко олдинда эди: 18 га 17.

Бу йўл осон бўлмади. Ўзбекистон мусобақанинг дастлабки 7 турининг барчасида ғалаба қозонди. Ҳал қилувчи баҳсларда Ҳиндистон устидан 2.5:1.5, Хитой устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонилди. 8-турда Германия ғалабали сериямизга тўсиқ қўйгандек бўлди, аммо жамоамиз дарҳол ўзини тиклади: 9-турда турнирнинг биринчи рақамли сараланган АҚШ жамоасини мағлуб этди, 10-турда эса Арманистон вакиллари 3.5:0.5 ҳисобида таслим қилинди.

2

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 28 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ЖАҲОН ШАХМАТ ОЛАМИДА ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТДИ

1 Украинага қарши сўнгги ғалаба эса олтин медаль масаласини ҳал этди.

Ушбу мусобақада Ўзбекистон-1 жамоасида Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Шамсиддин Воҳидов, Муҳиддин Мадаминовдан иборат маҳоратли шахматчиларимиз баҳс олиб бориб Украина шахматчиларини ҳам 2.5:1.5 ҳисобида мағлуб этди ва ҳақли равишда 20 очко билан 2026 йилги шахмат Олимпиадасининг ғолиблигини қўлга киритди!

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Ҳиндистон жамоаси сўнгги турда Венгрия билан 2:2 ҳисобида муроса йўлини танлаши натижасида 18 очко билан кумуш медалларга сазовор бўлди.

Германия жамоаси эса Нидерландияни мағлуб этиб, 18 очко билан қўшимча кўрсаткичлар эвазига 3-ўринни эгаллади.

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг аёллар мусобақасида Хитой жамоаси сўнгги турда Вьетнамни мағлуб этди ва 20 очко билан ғолибликни қўлга киритди. 2-ўрин Польша жамоаси билан дурангга эришган Қозоғистон жамоасига, 3-ўрин эса Ҳиндистон жамоаси шахматчи қизларига насиб этди. Ўзбекистон аёллар терма жамоаси эса Олимпиадани 13-ўринда якунлади.

Самарқанд халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” мажмуасида Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ)нинг 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир ФИДЕнинг турли категориялари бўйича ғолибларни тақдирлаш билан бошланди. Жамоалар мусобақалардаги иштироки, рейтинг ўрни ва ўзига хос муваффақиятлари учун рағбатлантирилди.

Жумладан, мамлакатимиз аёллар иккинчи терма жамоаси аъзолари “В” категориясида бронза медалларига сазовор бўлди. Ўзбекистон-1 эркаклар терма жамоамиз аъзоси Нодирбек Ёқуббоев 3-тахтада кумуш медаль билан, Жавоҳир Синдоров 2-тахтада бронза медаль билан, Нодирбек Абдусатторов эса 1-тахтада олтин медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, олимпиаданинг “Энг яхши аёл шахматчи”, “Энг яхши эркак шахматчи” номинациялари ғолибларига ФИДЕнинг махсус мукофотлари топширилди. Ҳамюртимиз Жавоҳир Синдоров “Энг яхши эркак шахматчи” номинацияси ғолиби бўлди.

Сўнгра саҳнага Халқаро шахмат федерациясининг янги сайланган президенти Тимур Турлов таклиф этилди ва у 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси аёллар мусобақалари ғолибларига чемпионлик кубоги ҳамда медалларини тантанали топширди.

Аёллар мусобақаларида учинчи ўрин ва бронза медаль Ҳиндистон жамоасига, иккинчи ўрин ва кумуш медаль Қозоғистон вакилларига, биринчи ўрин ва олтин медаль ҳамда “Вера Менчик” кубоги Хитой давлати шахматчиларига топширилди. Чемпион жамоа шарафига Хитой Халқ Республикаси мадҳияси янгради.

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси очиқ турнири (эркаклар) ғолибларини тақдирлаш учун саҳнага Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов таклиф этилди.

Олимпиада бронза медаллари Германия жамоасига, кумуш медаллар ҳиндистонлик шахматчиларга топширилди.

Ва ниҳоят, ФИДЕ 46-шахмат олимпиадаси олтин медаллари ва Ҳамилтон-Рассел кубоги Ўзбекистон жамоаси аъзоларига тантанали топширилди. Чемпион ўғлонларимиз шарафига Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Дунё эътиборини деярли икки ҳафта мобайнида ўзига қаратган Самарқанд шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси тарихида илк бор шахмат паралимпиадаси Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси билан бир вақтда ва бир жойда ўтказилди ҳамда унда 36 давлатдан 41 жамоа, 164 нафар етакчи шахматчи қатнашди. Эътиборлиси, мамлакатимиз вакиллари чинакам матонат ва ирода кўрсатиб, илк бор шахмат паралимпиадаси бронза медалларини қўлга киритди ва учинчи ўринни эгаллади.

Самарқандда ўтган шахмат фестивали доирасида 97-ФИДЕ конгресси ҳамда Бош ассамблея йиғилиши ва сайлов тадбирлари ҳам бўлиб ўтди. ФИДЕ конгресси Бош ассамблеясида ташкилот президентлиги учун ўтган сайловда қозоғистонлик тадбиркор Тимур Турлов ФИДЕ президенти этиб сайланди. У мазкур ташкилот тарихидаги энг ёш президентга айланди. 38 ёшли Т. Турлов қозоғистонлик тадбиркор, “Freedom Holding Corp.” асосчиси ва раҳбари. У 2023 йилдан бери Қозоғистон шахмат федерациясига ҳам раҳбарлик қилиб келади.

Шу ўринда айтиш керакки, барча тадбир — иштирокчилар ва жамоалар сони бўйича ФИДЕ тарихида энг юқори кўрсаткичларни қайд этган Самарқанд шахмат байрами ўзига хос тарихий аҳамиятга эга бўлди.

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида жами 394 та — эркаклар очиқ турнирида 205, аёллар мусобақасида 189 жамоа қатнашди ва ФИДЕ тарихидаги энг йирик шахмат олимпиадаси сифатида қайд этилди. Иштирокчи жамоалар 11 турда ўз куч ва салоҳиятларини намоён қилди.

Ўзбекистон-1 жамоаси таркибидаги тўрт нафар шахматчи 2022 йилда Ченнай олимпиадасида олтин медални қўлга киритган жамоада ҳам ўйнаган.

Ўзбекистон терма жамоасининг сўнгги уч олимпиададаги натижаси эса алоҳида эътиборга лойиқ — 2022 йили Ченнай олимпиадасида олтин, 2024 йили Будапештда бронза ва ниҳоят 2026 йилги Самарқанд олимпиадасида яна олтин медаллар қўлга киритилди. Демак, Ўзбекистон кетма-кет учта шахмат олимпиадасини медалсиз тарк этмади ва тўрт йил ичида иккинчи бор “Open” бўлимида жаҳоннинг энг кучли терма жамоаси бўлди. Энг аҳамиятли жиҳати, бу сафарги чемпионлик ўз уйимизда, Самарқанд шаҳрида қўлга киритилди.

2022 йилда Ўзбекистоннинг олимпиададаги олтин медалини тасодиф ёки бир марталик муваффақият деб баҳолаганлар ҳам бор эди. Аммо 2026 йилда жамоамиз бутун турнир давомида кучли ва ишончли ўйин намойиш этиб яна шоҳсупага кўтарилди. Бу сафар йигитларимиз фақат чемпион бўлибгина қолмай 2022 йилдаги олтин тасодиф бўлмаганини ва Ўзбекистон бугун дунёнинг энг кучли шахмат терма жамоаси эканини амалда исботлади.


Янада эътиборлиси, олимпиадада алоҳида тахталарда Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев, Асроржон Омонов етакчилар қаторидан ўрин эгаллади.

Бундан ташқари, Абдумалик Абдусалимов, Муҳаммадзоҳид Суяров, Афруза Ҳамдамова, Умида Омонова, Нилуфар Имомқўзиева, Гулдона Каримованинг ўз тахталарида кучли ўнликдан ўрин эгаллаши янги ғалабалар, янги чемпионлар авлоди етишиб келаётганлигини кўрсатди.

Маросимда Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) байроғи Бирлашган Араб Амирликлари — 47-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг мезбон давлати вакилларига топширилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига табригида айтилганидек, “Икки карра олимпиада чемпиони деган юксак шарафли унвон, буюк зафар барчамизга, кўп миллатли халқимизга муборак бўлсин!”

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).





Муҳаммад АМИН, Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

СУВНИ ТЕЖАШ — УМУММИЛЛИЙ МАРРА

Сув — улуғ ва азиз неъмат. У нафақат ҳаёт манбаи, балки озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги ва бутун иқтисодиёт тараққиётини таъминлайдиган бебаҳо ресурс. Шу боис обиҳаётнинг ҳар бир қатрасини қадрлаш, ундан оқилона ва тежаб фойдаланиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади — айниқса, сув масаласида ўзига хос мураккаб шароитга эга Ўзбекистонда! Чунки мамлакатимизда фойдаланадиган сув ресурсларининг 80 — 85 фоизи унинг ҳудудидан ташқарида шаклланади. Қолаверса, 4,3 миллион гектардан зиёд суғориладиган экин майдонларининг 60 фоиздан ортиғи обиҳаёт насослар ёрдамида етказиб бериладики, бу катта миқдорда электр энергияси, маблағ ва меҳнат талаб этади.

Нуқтаи назар

Сўнгги йилларда сув хўжалигини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан соҳада бошқариш тизимини такомиллаштириш, ирригация тармоқларини модернизация қилиш, рақамлаштириш ва ресурс тежовчи технологиялар қамровини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ҳамда ўзаро ишончга асосланган муносабатларнинг мустаҳкамланиши трансчегаравий сув манбаларидан оқилона ва келишилган ҳолда фойдаланиш бўйича мулоқотларни ҳам янги босқичга олиб чиқди. Сув масалалари давлат раҳбарлари даражасида мунтазам муҳокама қилиниб, минтақада умумий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий ва стратегик асослари ҳам яратилди. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси, 2025 йилда эса Сув кодекси қабул қилиниб, соҳадаги муносабатлар замонавий талаблар асосида тартибга солинди.

Президентимиз давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келгуси тараққиётимизнинг устувор йўналишларини белгилаб, тўртинчи миллий дастурнинг сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга қаратилишини алоҳида таъкидлади. Келгуси беш йилда экин майдонларида сув тежайдиган технологиялар қамровини 100 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Бу сув хўжалиги тизими учун янги масъулият, янги мезон ва янги иш услубини талаб этади.

Бугун тизимдаги ишлар ана шу тартиб-таомиллар асосида олиб бориляпти. Бунга Қорақалпоғистондаги “Эски Кенегес” каналидаги ўзгаришлар мисол бўла олади.

1936 йилда қурилган бу каналнинг узунлиги 36 километр бўлиб, Тахиатош ва Хўжайли туманларидаги 6400 гектар экин майдонларини сув билан таъминлайди. Каналнинг ўзани йиллар давомида лой ва қум билан тўлган, бетон қопламалари эскирган эди. Бунинг оқибатида шу каналнинг ўзида йилига ўртача 3,2 млн. кубометр сув йўқотиларди. Эндиликда Тахиатош туманидан ўтувчи “Эски Кенегес” канали босқичма-босқич бетонлаштирилмоқда. Жорий йилда реконструкциянинг иккинчи босқичи доирасида унинг 15,7 километр қисми бетонланди. Бу ишларга Давлат бюджетидан 32 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Натижада каналнинг бетонлаштирилган қисми Мустақиллик байрами арафасида тантанали тарзда фойдаланишга топширилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, унинг номи “Эски Кенегес” бўлса-да, канал бутунлай замонавий инфратузилмага айланди: сув унинг охирига 3-4 соатда етиб бормоқда, насосларга эҳтиёж камайиб, обиҳаёт йўқотилишининг олди олиниб, электр энергияси тежалмоқда.

Ҳудудларга чиққанимда бир ҳолат мени доимо таъсирлантиради. Йиллар давомида сув кутган қишлоқ ёки маҳаллага сув кириб борса, одамларнинг кайфияти ўзгаради. Деҳқон энди келгуси ҳосили ҳақида ўйлайди, хонадон эгаси томорқасига нима экишни режалаштиради. Истиқлол айёми арафасида Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги реконструкция қилинган “Оқтепа” канали фойдаланишга топширилганида бу ҳолга яна бир карра гувоҳ бўлдик.



— “Оқтепа” каналида сув етиб келиши қийинлашган эди. Бугун бетонланган каналдан сув равон оқиб, экин ерларимизни ўз вақтида суғоряпмиз. Бу ғамхўрлик ва сув хўжалиги соҳасига қаратилаётган юксак эътибор учун, аввало, Президентимизга, сувчиларимизга ва қурилишда меҳнат қилган барчага миннатдорлик билдираман, — дейди булунғурлик Сафарбой Алибоев.

Таъкидлаш керакки, “Эски Кенегес” ва “Оқтепа” каналлари йил бошидан буён фойдаланишга топширилган юзлаб сув хўжалиги иншоотларидан иккитаси холос. Гап шундаки, 2026 йилда 1 200 та ирригация ва мелиорация объектини қуриш ва реконструкция қилишга Давлат бюджетидан 4,1 трлн. сўм маблағ ажратилди. Бу 2017 йилдагига нисбатан 4,9 баробар кўпдир. Таққослаш учун келтирамиз, 2017 йилда ирригация ва мелиорация ишларига республика бюджетидан 842 млрд. сўм, 2020 йилда эса 1,7 трлн. сўм йўналтирилган эди.

Мамлакатимизда қарийб 174 минг километр суғориш тармоғидан фойдаланилади. Бу улкан инфратузилмани модернизация қилиш, сув йўқотишларини камайтириш ва тармоқлар самарадорлигини ошириш сув хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Илгари, асосан, катта каналлар ва йирик суғориш тармоқларини бетонлаштирар эдик. Маҳаллалар ҳудудидан ўтган ариқ ва суғориш тармоқларига етарлича маблағ ажратилмасди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида сув таъминоти оғир бўлган маҳаллаларда аҳоли томорқаларини сув билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида алоҳида таъкидланганидек, 867 та “оғир” маҳалладаги 470 мингта хонадонга томорқаларни суғориш учун илк бор сув етказиб берилди. Бу рақам ортида катта ижтимоий мазмун бор. Чунки сувсиз турган томорқа — фойдаланилмаётган имконият. Сув келиши билан ерга уруғ тушади, кўчат экилади, иссиқхона қурилади, оила ўз эҳтиёжи учун маҳсулот етиштириб, ортиқчасидан даромад олиш имконига эга бўлади.

Мисол келтирадиган бўлсак, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Эскиараб ва Ўзбекистон туманидаги Шўрқишлоқ маҳаллаларида суғориш тик қудуқлари ишга туширилиб, 400 дан ортиқ хонадонлар томорқасининг сув таъминоти яхшиланди. Ёки ушбу дастур доирасида Сурхондарё вилоятида сув таъминоти оғир бўлган 77 та маҳаллада 24 мингдан зиёд хонадонлар аҳли ўз томорқаларида турли экинлар етиштира бошлади. Ери бор, меҳнат қилишга тайёр, аммо суви йўқ оилага сув етказиб берилса, қолганини у ўз меҳнати билан яратади. Шу маънода, сув — фақат табиий ресурс эмас, балки бандлик, даромад ва фаровонлик омили эканлиги амалда ўз тасдиғини топди.

> ***2017 йилда мамлакатимизда сув тежовчи технологиялар 28 минг гектар майдонда қўлланилган бўлса, 2025 йил якунига келиб уларнинг қамрови 2,6 млн. гектарга, яъни суғориладиган майдонларнинг қарийб 60 фоизига етказилди. 2026 йил бошидан буён 640 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Бундай технологиялардан кенг фойдаланиш — энг улуғ неъмат бўлган сувнинг исроф бўлишини камайтиришга қаратилган хайрли ва савобли иш.***

Ҳудудлар аҳолиси одатда “Очиқ бюджет” портали орқали йўл, электр таъминоти ёки бошқа ижтимоий масалалар бўйича ташаббусларни илгари суради. Сувнинг қадрига етган ҳудудларда суғориш тармоқларини бетонлаштириш бўйича ташаббуслар ҳам тобора кўпаймоқда. Натижада “Ташаббусли бюджет” маблағлари ҳисобидан сўнгги йилларда ўнлаб қишлоқ ва маҳаллаларда сув таъминоти яхшиланди. Хусусан, Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Шавгон маҳалласидан оқиб ўтувчи ариқ, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги “Давр” канали, Кўкдала туманидаги “Умакай”, “Чиял-2”, “Араббанди” каналлари “Ташаббусли бюджет” доирасида бетонлаштирилди.

Янги қурилган ва реконструкция қилинган ирригация ҳамда мелиорация иншоотлари мисолида халқимиз соҳадаги ислоҳотлар самарасини бевосита ҳис этмоқда. Одамларда янгича тафаккур, сувга ўзгача муносабат шаклланмоқда.

Мамлакатимизнинг сув хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқлари дунё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, жорий йил июлда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича юқори даражадаги сиёсий форумида Ўзбекистоннинг сув ресурсларини бошқариш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги натижалари, жумладан, мамлакатимизда сув стресси кўрсаткичи 2017 йилдаги 169 фоиздан 2022 йилда 122 фоизга пасайгани қувонч билан уқтирилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардим: халқаро минбарда эътироф этилаётган ҳар бир натижанинг ортида, аввало, Президентимизнинг соҳага қаратаётган эътибори, давлат томонидан ажратилаётган маблағлар, юртимизнинг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган минглаб сувчилар, муҳандислар, олимлар, қурувчилар ва фермерларнинг меҳнати турибди.

Сувни тежашни фақат Сув хўжалиги вазирлиги, фермер ёки сувчининг вазифаси деб тушуниш тўғри эмас. Саноат корхоналари, тадбиркорлар, маҳаллалар ва хонадонлар ҳам сувга тежамкор муносабатни кундалик ҳаёт ва ишлаб чиқариш маданиятига айлантириши зарур.

Суғориш тармоқларини бетонлаштириш, ариқларни тозалаш, сув исрофгарчилигининг олдини олиш ва обиҳаётдан тежаб фойдаланиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга бу йил Яратганнинг ўзи мадад берди.

Йил бошида сув захираларимиз олдинги йилдагига нисбатан 6,5 млрд. кубометрга кам эди. Қиш ва баҳорда ёғингарчилик мўл бўлиб, дарёлар, каналлар ва сув омборларимиз обиҳаётга тўлди. Бунинг ҳисобига 2026 йил ёзги суғориш мавсуми барқарор ўтди. Республика бўйича иқтисодиёт тармоқларига 33 млрд. кубометр сув ресурслари етказиб берилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 9,5 млрд. кубометр сув тежалди. Йил якунигача 11 млрд. кубометр, 2027 йилда 12 млрд. кубометр, 2028 йилда 13 млрд. кубометр сувни тежаш мақсадимиз бор.

Томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет суғориш, ерларни лазерли текислаш каби технологиялар нафақат сувни тежашга, балки ҳар гектарда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ва ҳосилдорликни оширишга хизмат қилмоқда.

2017 йилда мамлакатимизда сув тежовчи технологиялар 28 минг гектар майдонда қўлланилган бўлса, 2025 йил якунига келиб уларнинг қамрови 2,6 млн. гектарга, яъни суғориладиган майдонларнинг қарийб 60 фоизига етказилди. 2026 йил бошидан буён 640 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Бундай технологиялардан кенг фойдаланиш — энг улуғ неъмат бўлган сувнинг исроф бўлишини камайтиришга қаратилган хайрли ва савобли иш.

Сувчилик машаққатли касб. Чунки обиҳаёт тақсимоти вақт танламайди. Сувчи ёзнинг жазирамасида ҳам, қишнинг совуғида ҳам канал ва иншоотлар бошида бўлади. Халқнинг дуоси ва розилиги сувчиларга жуда катта маънавий куч беради. Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан соҳа вакилларидан тўрт нафари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани барчамизни қувонтирди ва сувчиларни янги зафарларга руҳлантирди.

Сув бор жойда ҳаёт, сув қадрланган жойда тараққиёт бор. Келгуси беш йил сув хўжалиги учун катта ўзгаришлар даври бўлади. Тўртинчи миллий дастурдан келиб чиқиб олдимизда сув тежовчи технологиялар қамровини 100 фоизга етказиш, ирригация тармоқларидаги йўқотишларни кескин камайтириш, сув ҳисобини рақамлаштириш, насос станцияларининг энергия самарадорлигини ошириш каби масъулиятли вазифалар турибди. Ишонамизки, Президентимизнинг юксак эътибори ва ишончидан руҳланган сувчиларимиз сидқидилдан меҳнат қилиб, бу вазифаларни муносиб адо этади.

Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор.

Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказининг Олмаота шаҳридаги қароргоҳида аъзо давлатлар (Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон) миллий координаторлари кенгаши йиғилишида наркотаҳдидларга қарши курашиш бўйича 2027 йил учун «Йўл харитаси» тасдиқланди.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ УЧУН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Айни пайтда дунё иқтисодиёти ва геосиёсати беқарор даврни бошдан кечирмоқда. Айрим давлатлар ўртасида кучаяётган қарама-қаршилик ҳамда хавф-хатарлар анъанавий муносабатлар занжирларига путур етказиб, глобал бозорда нархлар тебранишини келтириб чиқармоқда. Бундай мураккаб геосиёсий номутаносиблик шароитида кўплаб мамлакатлар инфляция, капиталнинг чиқиб кетиши ва рецессия билан тўқнаш келаётир.

Таҳлил

Асосийси, халқаро молия институтлари (ХВЖ, Жаҳон банки, ОТБ) ва рейтинг агентликлари томонидан қайд этилаётганидек, Ўзбекистон глобал беқарорлик уммонида хорижий капитал ҳамда барқарор ривожланиш учун “тинч ва ишончли мамлакат” сифатида намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиёти сўнгги ўн йилда кучли ва барқарор ўсишни намойиш этди. Ўн йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ҳажми уч баробар кўпайиб, ялпи ички маҳсулот қарийб 60 млрд. доллардан 180 млрд. долларга етди. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳам сезиларли даражада ошди. Бу Ўзбекистонни даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига олиб чиқди.

Назарияга кўра иқтисодиётнинг жадал ўсиши учун ялпи асосий капиталга инвестициялар ЯИМнинг камида 30 — 35 фоизини ташкил этиши лозим. Ўзбекистонимизда сўнгги йилларда капитал қўйилмаларнинг ЯИМдаги улуши 30 — 33 фоиздан тушмаяпти. Бу Жанубий Корея ҳамда Хитойнинг “иқтисодий мўъжизаси” давридаги кўрсаткичларга тенгдир.

Бизнесни «соя»дан чиқаришда янгича ёндашув

Эътибор беринг, илгари ўсиш, асосан, Давлат бюджети ва ташқи қарз ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, 2017 — 2026 йилларда хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши кескин ортди. Масалан, энергетика соҳасида миллиардлаб долларлик лойиҳалар тўлиқ хорижий хусусий капитал ҳисобидан амалга оширилаётир. Иқтисодий ўсишнинг сифати тубдан ўзгарди. Мамлакат хомашё сотишдан, уни чуқур қайта ишлашга ўтди, бу эса ЯИМ таркибида юқори қўшилган қиймат яратмоқда.

Шаҳарсозлик, инфратузилма ва уй-жой қурилиши йилига 10 — 15 фоиз ўсиб цемент, металл ва хизматлар бозорини ҳаракатга келтиряпти. 2017 йилдан бошланган фундаментал ислоҳотлар “яширин” бўлиб турган иқтисодий салоҳиятни юзага чиқарди. Валюта бозорининг очилиши ҳамда ҚҚС ставкасининг 20 фоиздан 12 фоизга туширилиши бизнеснинг “соя”дан чиқишига ва хусусий сектор фаоллигининг кескин ошишига олиб келди.



Энергия ресурслари ҳамда ғалла нархларининг бозор механизмларига ўтказилиши Давлат бюджетидаги субсидиялар юкини камайтириб, соҳага хусусий инвесторларни жалб қилди. Давлат активлари ва банкларни хусусий секторга сотиш орқали капиталнинг фойдаланиш самарадорлиги ортди.

Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги энг йирик ва навқирон бозор. Эндиликда анъанавий саноатдан ташқари, юқори рентабелли янги секторлар пайдо бўлмоқда. Биргина “IT Park” резидентлари ва хизматлар экспорти бир неча йил ичида нолдан юзлаб миллион долларга етди. Финтех (Click, Payme, Uzum) ва фин-хизматларнинг рақамлашиши савдо айланмасини бир неча баравар тезлаштирди. Визасиз режим ҳамда инфратузилманинг яхшиланиши ҳисобига туризм сектори ЯИМ ўсишининг асосий драйверларидан бирига айланди.

Глобал логистиканинг ўзгариши Ўзбекистонга геосиёсий дивиденд келтирмоқда. Россия, Хитой ва Европа ўртасидаги анъанавий савдо йўллари ўзгариши фонида Марказий Осиё ҳамда Ўзбекистон орқали ўтувчи “Ўрта йўлак” ва қуруқлик йўналишларига талаб бир неча баравар ортди. Мамлакатнинг қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон билан чегараларни очиши ҳамда савдо тўсиқларининг барҳам топиши ички минтақавий савдо айланмасини бир неча миллиард долларга оширди.

Либераллаштириш сиёсати ва иқтисодий модель

Юртимизда олиб борилаётган либераллаштириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва инвестициявий муҳитни тубдан яхшилаш сиёсати ташқи хатарларни нейтраллаштирибгина қолмай, уларни янги иқтисодий имкониятларга айлантирмоқда.

Масалан, Халқаро валюта жамғармаси Ижроия кенгашининг 2026 йилги IV-модда доирасидаги маслаҳатлашувлар якунлари бўйича эълон қилган ҳисоботи Ўзбекистон иқтисодий моделининг муваффақиятини очиқ тасдиқлади. Геосиёсий вазиятларга қарамай Ўзбекистонда ЯИМ ўсиши 2025 йил якунлари бўйича 7,7 фоизни ташкил этди. Ҳукумат жорий йилда ўсиш суръатларини камида 8 фоиз даражасида ушлаб туришни мақсад қилган.

> *Эътибор беринг, илгари ўсиш, асосан, Давлат бюджети ва ташқи қарз ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, 2017 — 2026 йилларда хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши кескин ортди. Масалан, энергетика соҳасида миллиардлаб долларлик лойиҳалар тўлиқ хорижий хусусий капитал ҳисобидан амалга оширилаётир. Иқтисодий ўсишнинг сифати тубдан ўзгарди. Мамлакат хомашё сотишдан, уни чуқур қайта ишлашга ўтди, бу эса ЯИМ таркибида юқори қўшилган қиймат яратмоқда.*

ХВЖ 2025 йил апрелидан бери сўм курсининг мослашувчанлиги ортганини эътироф этиб, Ўзбекистоннинг амалдаги валюта режимини бошқарилувчан тоифасидан эркин сузувчи тоифасига ўтказди. Бу миллий иқтисодиётнинг ташқи “шок”ларга чидамлилигини оширади ва олтин-валюта захираларини асоссиз сарфланишдан ҳимоя қилади.

Ўзбекистон иқтисодий ўсиш манбаини давлат харажатларидан хусусий ва хорижий капиталга муваффақиятли ўтказди. 2017 — 2025 йиллар мобайнида мамлакатга жалб қилинган 150 млрд. доллардан зиёд хорижий маблағнинг қарийб тўртдан уч қисми айнан сўнгги беш йил ҳиссасига тўғри келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш ташаббуси Дубай, Сингапур ва Остона каби молиявий хаблар билан рақобатлаша оладиган халқаро ҳуқуқ тизимини яратмоқда. Шу билан бирга банк кредитларидан ташқари, Сукук (ислом облигациялари) ва муқобил инвестиция жамғармалари орқали капитал бозори диверсификация қилиняпти.

Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари триллионлаб долларга баҳоланса-да, мамлакат хомашё экспорти тузоғидан чиқди, десак, муболаға бўлмайди. Машинасозлик, робототехника, фармацевтика ҳамда электроника соҳаларида замонавий кластерлар яратилаётир. Саноатлашув фонида қуёш ва шамол электр станцияларига киритилаётган сармоялар энергетик хавфсизликни таъминлаяпти. Сунъий интеллект ҳамда IT-паркларнинг ривожланиши эса яқин истиқболда миллиардлаб қўшимча қиймат яратиш манбаига айланиши, шубҳасиз.

Инвесторлар учун муҳим сигнал

Президентимиз томонидан хусусий сектор улушини ошириш ва давлат иштирокини камайтириш бўйича белгиланган вазифалар иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда инвесторлар учун муҳим сигналдир. Хусусан, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, капитал бозорини ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик механизмини кенгайтириш ҳамда бизнес учун тенг рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар халқаро молия институтлари томонидан ижобий баҳоланмоқда. Мазкур ислоҳотлар иқтисодиётда давлат эмас, хусусий ташаббус асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланишини англатади.

Халқаро рейтинг агентликлари ва молия институтлари баҳоси ҳам жараён самарасини тасдиқламоқда. ХВЖ Ўзбекистонда давлат қарзи назорат остидалиги, инфляцияни пасайтириш бўйича олиб борилаётган сиёсат натижа бераётганини таъкидлади. Жаҳон банки эса мамлакатда хусусий сармояни қўллаб-қувватлаш, бизнес муҳитини яхшилаш ва рақобатни кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар узоқ муддатли иқтисодий ўсиш учун муҳим пойдевор эканини қайд этган.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва Осиё тараққиёт банки сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ижобий баҳолаб келмоқда. Хусусан, солиқ тизимини соддалаштириш, валюта бозорини эркинлаштириш, банк соҳасидаги ислоҳотлар ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилаётганини кўрсатяпти.

Юқорида қайд этганимиз — бугунги геосиёсий вазиятга фақат таҳдид деб эмас, балки стратегик позицияни мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар дарчаси сифатида қараш лозим. Ўзбекистон қуруқ рақамлар босқичидан ўтди. Мамлакат олдида турган бош вазифа — жалб этилаётган миллиардлаб долларлик сармояларни юқори даромадли иш ўринларига, рақобатбардош саноат маҳсулотлари ва аҳоли фаровонлигининг реал юксалишига айлантириш.

Шу маънода, шаффофлик, эркин сузувчи валюта курси, қонун устуворлиги ва фаол минтақавий интеграция орқали мамлакатимиз шаклланаётган янги глобал иқтисодий тартиботда марказий ва ажралмас ўринни эгаллашда давом этаверади.

Шаҳло ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари.

Янгилик

ЙИРИК ЛОЙИҲА САМАРАСИ



Жиззах вилоятида Зарафшон дарёси сувидан самарали фойдаланиш орқали ҳудудда ичимлик суви таъминоти тизимини тубдан яхшилашга қаратилган йирик лойиҳа амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ “Учтепа” сув узатиш иншооти ишга туширилди.

— Туманимиз Жиззах шаҳри биқинида жойлашган бўлса-да, йиллар давомида ичимлик суви таъминоти энг оғриқли масалалардан бири эди, — дейди халқ депутатлари Шароф Рашидов тумани Кенгаши депутати Ортиқбой Абдуллаев. — Лойиҳа доирасида вилоят бўйлаб 180 километр узунликдаги магистраль ичимлик суви тармоқлари тортилди, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган 4 та сув иншооти барпо этилди. Бу ишлар учун 703 млрд. сўмлик бюджет маблағлари сарфланди.

“Учтепа” сув узатиш иншооти туман марказидаги Учтепа, Янгиобод ва Янгиҳаёт маҳаллаларида истиқомат қилувчи 17 мингдан ортиқ аҳолини узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш имконини берди.

Шу каби кенг кўламли ишлар натижасида Жиззах вилоятида марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 76,2 фоизга етказилди. Бу минглаб хонадонлар учун йиллар давомида кутилган қувонч ва енгиллик, деганидир.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

РАҚОБАТ БОР ЖОЙДА ЮКСАЛИШ БЎЛАДИ

Бозорда рақобат қанчалик кучли бўлса, тадбиркор шунчалик кўпроқ изланади. Натижада маҳсулот сифати яхшиланади, хизмат кўрсатиш даражаси ошади, нархлар бозор талаблари асосида шаклланади. Энг муҳими, истеъмолчининг танлов имконияти кенгаяди.

Бозор иқтисодиёти

Рақобат бозордаги тадбиркорлар ўртасидаги тенгликни таъминлашда муҳим восита. Аммо рақобат соғлом бўлсагина самара беради. Мамлакатимиз иқтисодиётининг бугунги туб ўзгаришлари айнан шу тамойил асосида такомиллашиб, барча тармоқ ва соҳаларга тежамкор, самарадор ҳамда унумдор технологияларни жалб қилиш устувор вазифа этиб белгиланган. Навоий вилоятида ҳам рақобат муҳитини ривожлантириш масаласига шу нуқтаи назардан ёндашилмоқда.

— Рақобатни ҳимоя қилишнинг асосий мақсади фақат қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашдан иборат эмас, — дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мамазариф Элмуродов. — Бунда, энг аввало, бозорда барча тадбиркорлар учун тенг шароит яратиш, янги иштирокчиларнинг бозорга киришига имконият бериш ва истеъмолчининг танлов ҳуқуқини таъминлаш муҳим.

Шу йилнинг 6 ойи давомида ҳудудий бошқарма томонидан 20 дан ортиқ товарлар ва молия бозори таҳлил қилинди. Ўрганишлар натижасида 11 турдаги маҳсулот бозори тўйинмаган деб баҳоланиб, рақобатни ривожлантириш бўйича таклифлар тегишли органларга киритилди. Шунингдек, 3 та субъект устун музокара кучига эга деб эътироф этилиб, белгиланган тартибда реестрда қайд қилинди.

Таъкидлаш жоиз, бу каби таҳлиллар қайси бозорларда рақобат етарли даражада эмаслиги, янги тадбиркорларнинг кириб келишига қандай тўсиқлар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш учун қандай чоралар зарурлигини аниқлаш имконини бермоқда.

Соғлом рақобат муҳитини таъминлашда танлов ва тендер савдолари алоҳида ўрин тутади. 2025-2026 йилларда ўтказилган тендер савдолари таҳлили давомида 1 243 та рақобат қонунчилиги бузилиши ҳолати аниқланган. Жумладан, 2026 йилнинг 6 ойида бошланғич нархи 47,4 млрд. сўмлик 483 та танлов савдосида қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилди.

— Ўрганишлар давомида айрим савдоларда “Рақобат тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилиши аломатлари, жумладан, рақобатни чекловчи талаблар белгилаш, аффилланганлик ва иштирокчилар таклифларини нотўғри баҳолаш ҳолатлари аниқланди, — дея фикрини давом эттиради М. Элмуродов. — Мисол учун, Конимех тумани ҳокимлиги буюртмачилигида ўтказилган 350 млн. сўмдан ортиқ қийматдаги ўнта танловнинг барчасида рақобат қонунчилиги талаблари бузилганлиги боис қонуний чоралар кўрилди.

Шу каби ҳолатларга йўл қўйганлиги учун сўнгги бир ярим йил давомидаги ўрганишлар натижасида 70 га яқин мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, тегишли суд органларига юборилди.

Бозорда рақобатни сунъий равишда чеклаш, келишиб олиш ёки рақобатчиларга тўсиқ яратишга йўл қўйилмайди. 2025-2026 йилларда 6 та ҳолатда рақобатга қарши келишувлар ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар, шунингдек, 5 та хўжалик юритувчи субъект томонидан инсофсиз рақобат ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Масалан, Навоий шаҳридаги “Navoi Haval” МЧЖ автосалони томонидан ижтимоий тармоқда жойлаштирилган видеороликда рақобатчи автомобилнинг айрим кўрсаткичлари бир томонлама таққосланган ҳолда истеъмолчини уни харид қилишдан қайтаришга қаратилган ҳаракатлар аниқланиб, инсофсиз рақобат ҳолати бўйича чора кўрилди.

Яна бир ҳолатда эса “Bright land” МЧЖ ва “Hightech pro Navoiy” МЧЖ ўртасида танловда рақобатга қарши келишув ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар аломатлари аниқланиб, белгиланган тартибда таъсир чоралари қўлланилди.

Рақобат муҳитини ҳимоя қилишнинг самараси фақат аниқланган қонунбузилишлар сони билан эмас, балки бозорда яратилган янги имкониятлар билан ҳам баҳоланади. Давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарор ва ҳужжатларнинг рақобат қонунчилигига мувофиқлиги ҳам шу мақсадда ўрганилмоқда. 2025 йилда 19 681 та ҳужжат хатловдан ўтказилиб, 46 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида эса 45 та рақобатни чекловчи ҳужжат аниқланиб, тегишли органларга 18 та тақдимнома киритилди.

— Бозорда рақобат қанчалик эркин бўлса, унинг иштирокчилари ҳам шунчалик фаоллашади. Биз учун энг муҳим вазифа — рақобатни чекловчи сунъий тўсиқларни бартараф этиш ва ҳалол фаолият юритаётган тадбиркорлар учун тенг шароит яратиш. Чунки рақобатнинг кучайиши охир-оқибат истеъмолчи манфаатига хизмат қилади, — дея таъкидлади М. Элмуродов.

Рақобат — бу шунчаки тадбиркорлар ўртасидаги кураш эмас. У бозорни ҳаракатга келтиради, сифатни оширади, танловни кенгайтиради ва янги имкониятлар яратади.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

Куз дастурхонига баҳор неъматлари



Чортоқ туманидаги Хайирли маҳалласида истиқомат қилаётган Фарҳоджон Мирзаахмедов ўтган йили томорқасида бир сотихли иссиқхона ташкил этиб, гидропоника усулида қулупнай етиштиришни йўлга қўйди. Ва бир йилнинг ўзида 40 млн. сўм даромад олишга эришди.

— Бу қулупнайчилик билан астойдил шуғулланишимга туртки бўлди, — дейди Ф. Мирзаахмедов. — Иссиқхонани кенгайтириб 4,5 сотихга етказдим. Июнь ойида экилган кўчатлар ҳозир ҳосил бера бошлади. Ҳар куни ўртача ўн килограммдан кўпроқ қулупнай териб олиниб, савдо нуқталарига етказиб берилади. Ҳосилдорлик кун сайин ортиб бораётгани мавсум якунига қадар даромад янада ошишини кўрсатиб турибди.

Эътиборлиси, қулупнай етиштириш ишларига уч нафар мавсумий ишчи ҳам жалб этилди. Яна бир муҳим жиҳат — хонадонда бошланган ташаббус маҳалла миқёсида оммалашди. Омилкор деҳқон қўшниларига ҳам гидропоника усулида маҳсулот етиштиришни ўргатиб, томорқадан унумли фойдаланишга кўмаклашмоқда.

Акрамжон САТТОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Кластернинг замонавий корхонаси

“Оқсарой текстиль” масъулияти чекланган жамияти Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларида пахта етиштиришдан тортиб уни чуқур қайта ишлашгача лойиҳаларни амалга оширган йирик кластер корхоналаридан бири ҳисобланади.



Айни пайтда “Оқсарой текстиль” МЧЖ томонидан Қамаши туманида сунъий тола аралашмали калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган яна бир замонавий корхона барпо этилмоқда. Қиймати 155 млрд. сўмлик ушбу лойиҳа доирасида йилига 6 минг тоннадан ортиқ калава ип ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Натижада ҳудуддаги 450 нафар кишининг бандлиги таъминланади.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Қашқадарё вилоятида 459 та тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхонаси фаолият юритмоқда. Уларда 101 минг тонна калава ип, 25,4 млн. метр квадрат газлама, 15,5 минг тонна трикотаж мато, 100 млн. донага яқин тайёр буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Тармоқда янги қувватларнинг ишга туширилиши эса ҳудуднинг тўқимачилик саноатидаги салоҳиятини янада ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш имконини беради.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Бир ташаббус — 80 та иш ўрни



Вобкент туманидаги 3-техникум биносининг бир қисми анчадан буён бўш ётарди. Энди эса яқин-яқинга қадар ҳувуллаб турган иншоотдан одамларнинг қадами аримай қолди. Буни ушбу манзилда “Soft denim tekstiles” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлагани билан изоҳлаш мумкин.

Бизнес лойиҳа ташаббускори Ҳумоюн Соаталиев туман ҳокимлиги ёрдамида бинони таъмирлаб, замонавий тикувчилик цехига айлантирди. Ишбилармон томонидан киритилган 1,5 млрд. сўм миқдоридаги сармоя ишчилар учун қулай меҳнат шароити яратиш ҳамда хомашё харидига йўналтирилди. Хориждан зарур тикув машиналари сотиб олиш учун 2 млрд. сўм атрофида маблағ сарфланди. Натижада 80 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Улар учун бир маҳал бепул иссиқ овқат, транспорт хизмати йўлга қўйилди.

Муҳими, шу пайтга қадар ўзларига мос иш излаб юрган уй бекалари ҳамда қизлар доимий даромад манбаига эга бўлди. Улар тикаётган коржома ва бошқа турдаги кийим-кечаклар буюртмачиларга маъқул бўляпти. Тадбиркор эса корхона фаолиятини кенгайтириш, иш ўринларини кўпайтириш, “Soft denim tekstiles” маҳсулотларини бренд даражасига кўтариш ниятида.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳарбий ҳаво кучлари Бразилиянинг «Embraer» компаниясидан янги авлоддаги «C-390 Millennium» ҳарбий-транспорт самолётларидан биринчисини қабул қилиб олди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 28 сентябрь

ХОМАШЁДАН ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГАЧА

ЁХУД ЕНГИЛ САНОАТНИНГ ТАРИХИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Бугунги кунда туб ва кескин трансформацияни бошдан кечираётган, аҳоли бандлиги ҳамда экспорт ҳажмини оширишда иқтисодий локомотивга айланаётган энг муҳим тармоқлардан бири — бу енгил саноат, яъни тўқимачилик ва тикувчилик, чарм-пойабзал соҳаси.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлари Европа, АҚШ, Яқин Шарқ ҳамда Осиё бозорларини эгалламоқда. Аммо бу маррага эришиш осон бўлгани йўқ, албатта.

Сир эмаски, аввалари Ўзбекистон дунёдаги энг йирик пахта етиштирувчи мамлакатлардан бири бўлишига қарамай пахта толасининг 80 — 85 фоизи арзон хомашё сифатида хорижга сотилган. Мамлакат ичида пахтани чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тизими деярли мавжуд эмасди. Ҳар йили куз ойларида ўқувчилар, талабалар пахта теримига мажбурий жалб этилар, бу ҳолат халқаро майдонда мамлакат обрўсига кескин путур етказарди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси билан Ўзбекистон пахтачиликда мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлади. Натижада ўзбек пахтасига нисбатан халқаро бойкотлар бекор қилиниб, мамлакат тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун дарвозалар ланг очилди.

Бу ислоҳотнинг аҳамияти фақат пахта терими билан чекланмайди. У меҳнат муносабатларида янги тамойилни қарор топтирди. Энг муҳими, пахта чуқур қайта ишланадиган тайёр маҳсулот манбаи сифатида қаралмоқда. Пахтадан калава ип, мато, кийим-кечак ва тайёр бренд маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эътибор кучайди.

Янгиланишлар шабадаси

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пахтачиликда кластер тизимининг жорий этилиши қишлоқ хўжалиги соҳасида ташкилий ўзгариш бўлибгина қолмай, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва технологик қиёфасини тубдан ўзгартирган стратегик бурилиш бўлди.

Мазкур тизим аҳамиятини англаш учун, аввало, илгариги ҳолатга назар ташлаш лозим. Фермер давлат буюртмаси асосида пахта етиштирар, бироқ унинг машаққатли меҳнати муносиб қадрланмасди. Пахта харид нархлари бозор талабларига мос келмас, оқибатда фермерлар йилни қарз билан якунлар эди. Етиштирилган толанинг катта қисми, яъни 80 фоиздан ортиғи арзон хомашё сифатида хорижга сотилар, ундан келадиган асосий фойда ва қўшимча қийматни эса хорижий қайта ишловчилар оларди. Ерларни ҳайдаш, суғориш ва чигит экишда ўтган аср технологиялари қўлланилар, сув ресурслари исроф бўлар, суғоришнинг замонавий тежамкор усуллари деярли йўқ эди.



Кластер тизимининг моҳияти жуда оддий ҳамда айни пайтда ўта самарали. Мисол учун, “Даладан растагача” ягона узлуксиз занжири яратилиши — битта тузилманинг ўзи пахтани етиштиради, уни қайта ишлайди, калава ип чиқаради, мато тўқийди, кийим-кечак тикади ҳамда тайёр маҳсулотни ички ва ташқи бозорга сотади. Шу билан бирга, давлат пахта етиштиришни молиялаштириш ҳамда харид қилиш монополиясидан воз кечди. Соҳада хусусий инвесторлар — кластерлар иш бошлади. Улар ерга уруғ қадашдан олдин миллионлаб долларлик замонавий техникаларни, томчилатиб суғориш тизимларини ҳамда лабораторияларни олиб келди.

Ўзбекистон пахта толасини четга сотишни буткул тўхтатди. Мамлакатда етиштирилган пахта толаси 100 фоиз ўз фабрикаларимизда қайта ишланмоқда. Илгари 1 кг. пахта толаси 1,5-2 долларга сотилган бўлса, бугун ундан тайёрланган кийим-кечак шаклида 7 — 10 долларгача қўшимча қиймат яратилаётир. Натижада тўқимачилик экспорти 1 млрд. доллардан 3,5 млрд. долларгача ва ундан зиёд даражага кўтарилди. Кластерлар сув ва ер ресурсларининг ҳақиқий эгасига айлангач, лазерли ер текислаш, томчилатиб суғориш ҳамда рақамли технологияларни оммалаштирди. Бу эса ҳосилдорликни гектарига илгариги 20 — 22 центнердан 35 — 45 центнергача кўтарилишига мустаҳкам пойдевор яратди.

Қолаверса, кластер тизимида меҳнатга бозор муносабатлари ва юқори иш ҳақи жорий этилди. Бунинг самараси ўлароқ, мажбурий ҳамда болалар меҳнатига тўлиқ чек қўйилди. Президентимизнинг сўнгги қарори билан пахта нархини биржа орқали эркин белгилаш, фермерларга кластерларни ихтиёрий танлаш ёки фьючерс шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилди. Бу фермер ҳамда кластер ўртасида ҳақиқий тенг ҳуқуқли ва манфаатли ҳамкорликни таъминлашга хизмат қиляпти. Қисқача айтганда, пахтачиликда кластер тизимининг жорий этилиши Ўзбекистон саноатлашувининг мутлақо янги даврини бошлаб берди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз арзон пахта етказиб берувчи аграр мамлакатдан, жаҳон тўқимачилик бозорида ўз ўрнига эга қудратли тўқимачилик хабига айланди.

Енгил саноат — энг кўп иш ўрни яратадиган соҳа. Кластерлар ва замонавий фабрикаларнинг ишга туширилиши туфайли соҳада 400 мингдан ортиқ доимий иш ўринлари яратилди. Корхоналарда ишчиларнинг 70 фоиздан кўпини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этади. Бу қишлоқ жойларда яшовчи аёлларнинг молиявий мустақиллигига ва оилалар фаровонлигига беқиёс ҳисса қўшмоқда. Чекка вилоят ҳамда туманларда мономарказлар ва фабрикалар қурилиб, ҳудудлар иқтисодиётига жон кирди.

Асосийси, даладан бошланган бу тарихий ўзгаришлар, бугун бутун мамлакат иқтисодиётининг барқарор гуллаб-яшнашига хизмат қилаётир.

Ўзбекистон енгил саноати мутлақо янги ва замонавий қиёфага эга бўлганини тасдиқловчи далиллар кўп. Эътибор беринг, ушбу йўналишда экспорт 4 баробар ортди. Мақсад эса янада баланд: яқин йилларда бу кўрсаткични 5 млрд. долларга етказишдан иборат.

Дарвоқе, Европа Иттифоқи томонидан Ўзбекистонга “GSP+” преференциялар тизими берилдики, натижада ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари Европа бозорларига божхона тўловларисиз кириб бораётир. Мамлакатимиздаги юзлаб корхоналар “OEKO-TEX”, “BSCI”, “Better Cotton”, “ISO” каби халқаро сифат сертификатларини қўлга киритди. Бугун Ўзбекистон фабрикаларида “Nike”, “Adidas”, “Puma”, “LC Waikiki”, “Zara” сингари дунёга машҳур брендлар буюртмалари асосида кийимлар тикиляпти. Ўзбек енгил саноати маҳсулотлари дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларига етказиб берилаётганининг ўзи катта муваффақият. Албатта, бу билан чекланиб қолинмайди, аксинча, олинган юқори маррани биргаликда забт этиш йўлида изланишда, ҳаракатдамиз.

Ҳақиқий саноат инқилоби

Ўзбекистон иқтисодиётида аҳолини ишли қилиш билан бирга, экспорт тушумларини ошириш ҳамда ҳудудларни саноатлаштиришдаги асосий устунлардан яна бири бу чарм-пойабзал ва тикув-трикотаж соҳаларидир.

Шу боис сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қарорлар ва янги ташаббус ҳамда имтиёзлар эвазига ушбу икки тармоқ оддий хомашё етказиб бериш босқичидан юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий кластерлар даражасига кўтарилди.

Яқин ўтмишда юртимизда чорвачилик яхши ривожланган бўлса-да, йиғилган териларнинг катта қисми исроф бўлар ёки арзон нархда яримтайёр шаклида четга сотилар, мамлакатда сифатли пойабзал ҳамда чарм-галантерлик маҳсулотлари танқис бўлиб, бозорларни сифатсиз ва арзон импорт пойабзаллар эгаллаган эди. Пойабзал ишлаб чиқариш учун зарур бўлган таглик, елим, фурнитура каби қўшимча хомашёлар тўлиқ хориждан келтириларди.

“Ўзчармсаноат” уюшмаси ташкил этилиши ва соҳага берилган божхона ҳамда солиқ имтиёзлари ҳақиқий саноат инқилобини ясади. Эндиликда тери фақат қайта ишланган, бўялган ҳамда тайёр чарм ҳолатида маҳсулотга айлантирилмоқда. Арзон хомашё экспортига чек қўйилди.

Мамлакатимизда пойабзал тагликлари, кимёвий воситалар, қолиплар ва фурнитуралар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулот таннархини 20 — 30 фоизга арзонлаштирди. Андижон, Фарғона, Наманган ва Самарқанд вилоятларида Италия ҳамда Туркиянинг энг илғор технологиялари билан жиҳозланган йирик фабрикалар ишга туширилди. “Made in Uzbekistan” ёрлиғи остидаги чарм пойабзаллар Марказий Осиё, МДҲ ва Европа бозорларига чиқмоқда. Шунингдек, спорт ҳамда ҳарбий соҳа ва саноат учун махсус пойабзаллар экспорти кескин ошди.

Яқингача трикотаж маҳсулотлари тикиш технологиялари эскирган, моделлар ва дизайн халқаро трендларга мос келмас эди. Маҳсулотларнинг катта қисми фақат МДҲнинг арзон бозорларига йўналтириларди. Президентимизнинг тегишли қарорлари билан тикув-трикотаж соҳаси мазмунан янгиланди. Калава ип ишлаб чиқаришдан тортиб, мато тўқиш, бўяш ва тайёр кийим тикишгача бўлган тўлиқ “саноат занжири” яратилди. Бу тайёр маҳсулот таннархини тушириб, маржинал даромадни оширди.

Чарм-пойабзал ва тикув-трикотаж саноатидаги ислоҳотлар жараёнида замонавий завод ҳамда фабрикалар қурилиши миллий иқтисодиётнинг мустақиллиги, “Made in Uzbekistan” брендининг халқаро эътирофи ва юз минглаб оилаларнинг фаровонлигини таъминлади.

Мустақиллигимизнинг 35 йили давомида Ўзбекистон енгил саноати аграр-хомашё етказиб берувчи мақомидан — юқори технологик ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи индустриал гигант даражасига кўтарилди. Бир вақтлар арзон пахтаси билан дунёга танилган Ўзбекистон, бугун юқори сифатли, замонавий ҳамда харидоргир енгил саноат маҳсулотлари билан жаҳон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлади. Бу мустақил тараққиёт йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Баҳтиёр НАСИМОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг биринчи проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ИСЛОҲОТЛАР ҚУДРАТИ — МАҲАЛЛАДА

Эътибор берганмисиз, инсон қайси касб эгаси ё мансабда бўлмасин, кеч киргач уйига шошади. Ўзи туғилиб ўсган қишлоқ ё истиқомат қилаётган маҳалла кўчасига кирганда кўнгли хотиржам тортади, оила бағрида эса чарчоқлари тумандек тарқаб кетади. Неварасининг бобожон, бувижон сизга таклифнома бериб кетишди, деган хушхабари эса уни беҳад қувонтиради.

Мулоҳаза



Демак, у ҳурмат рутбасида турган инсон, ислоҳотлар марказига айланган маҳалланинг эъзозга лойиқ одами. Ўзбекнинг нимаси кўп — тадбири, маросимлари. Ўғил уйлантирадими, қиз узатадими, ўтганларни ёдга оладими — маҳалла-қўйга ош беради. Одамларнинг бошини қовуштирадиган маскан — маҳалланинг маънавий кучи худди шу нуқтада ёрқин кўринади.

Давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадини ошириш бўйича ишларни янги босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилишда ҳам маҳаллани энг асосий куч сифатида таъкидлаганини бежиз эмас.

Қўлимга қалам олиб ёзишга тушдим. Талабалар учун ўқийдиган навбатдаги лекцияларимга янги мазмун бағишлашга киришдим. Муқаддима шундай бошланди: “Минг йилдирки, юртимизда маҳалла меҳру оқибат, саховату мурувват қалқони, юракдаги орзулар рўёби сифатида намоён бўлиб келмоқдаки, ростини айтганда бугун ҳам шундай.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд аҳоли йил бошидаги 2 млн. 200 минг нафар эмас, балки ҳозирги пайтда 1,5 млн. кишини ташкил этаётганини, ишни тўғри ташкил қилган 49 та туман ва 3 429 та маҳалла ишсизлик ҳамда камбағалликдан холи ҳудудга айланганини таъкидлади. Шунингдек, барча ҳудудларга бир хил ваколат, ресурс ва имконият берилган бўлса-да, айрим жойларда ажратилган маблаққа нисбатан самарадорлик жуда пастлиги ҳам айтиб ўтилди. Нега шундай, бунинг асосий сабаблари атрофлича таҳлил қилинди”.

Қани айтинг-чи, жамиятимизнинг энг муҳим муаммоси бўлган камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ бугунги давлат сиёсатини талаба билиши, англаши керакми, йўқми?

Албатта, зарур. Чунки у ҳам дарсдан сўнг уйга боради, маҳалланинг фаол аъзосига айланади. Бугун университет партасида лекция тинглаётган йигит-қиз эртага қандай мавқени эгаллайди, у қай даражада масъулиятли ва заковатли инсонга айланади, бу бир жиҳатдан муаллимнинг лекцияси ва ундаги мазмун-моҳиятга боғлиқ. Ана шу сабабли “Халқ сўзи” газетасида йиғилиш ёритилган материални қайта ва қайта ўқидим. Зиёли сифатидагина эмас, балки бу улуғвор жараёнга ўзим қандай ҳисса қўша оламан, деган ният ҳам кўнглимдан ўтди.

Яна газетага кўз ташлайман: “Камбағалликни қисқартириш бўйича 50 йиллик тажрибага эга Хитой тажрибасини ўрганиш камбағалликни қисқартириш, боқимандаликка барҳам беришда қўл келиши тайин. Шу тамойилга кўра ва замон талабидан келиб чиққан ҳолда қуйи тизимга доимий равишда аниқ кўрсатмалар бериб бориш зарур. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўтган уч йилда маҳаллалардаги тадбиркорлик лойиҳаларига 314 трлн. сўм ресурс ажратилган, аммо кредитларнинг камбағалликни қисқартиришга таъсири барча туманда бирдек эмас”.

Бирорта масала ё камчилик давлатимиз раҳбари эътиборидан четда қолмади, барчаси чуқур таҳлил этилди. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири “лойиҳавий ёндашув” асосида ишлаши ва уларга маҳаллий раҳбарлар энг яқин кўмакчи бўлиши таъкидланди. Келгусида туман штаблари маҳаллий шароит ва лойиҳаларнинг самарадорлигидан келиб чиқиб, молиялаштириш масалаларини мустақил ҳал этади ва туманлар ихтиёрига жами 3 трлн. 200 млрд. сўм ресурс йўналтирилади ҳамда маблағларнинг аниқ натижа бериши назоратда бўлади.

Аудиторияда ана шу гапларни айтгач, лекцияни бир муддат тўхтатаман ва талабалардан сўрайман: “Ким мана шу йиғилишни кўрди ё газетада ўқиди?”

Жавоб қандай бўлишидан қатъи назар, яна бир бор таъкидлайман. Давлатимиз раҳбарининг бу галги йиғилиши маҳалладаги муаммоларга барҳам беради ва фаровонликни янги босқичга олиб чиқади. Энди баҳонага асло ўрин йўқ. Ва яна энди бизнес аҳли янги рағбат соҳибига айланади.

Дейлик, етакчи тадбиркор 10 та оила билан кооперация қилса, 500 млн. сўмгача, 100 та оила билан ҳамкорликни йўлга қўйса, 5 млрд. сўмгача гаровсиз кредит олиши мумкин. Камбағаллик жамғармасидаги 240 млрд. сўм, Бандлик жамғармасидаги 100 млрд. сўм ва учта “дафтар”даги 760 млрд. сўм маблағ туман штаблари ихтиёрига берилади. Энди туман штаби субсидия ёки фоизсиз ссуда бериш масаласини ҳам мустақил ҳал қилади. Тадбиркорлик компаниясининг компенсациялар учун йил якунига қадар назарда тутилган 300 млрд. сўмлик қолдиғи ҳам штаблар орқали ажратилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Кредит, субсидия ва компенсация шартларини фермон ва қарорлар билан белгилаш амалиётидан воз кечилади. Буни келгусида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиқиб, молиялаштириш механизмларини ҳар чоракда янгилаб боради. Шунингдек, ўқув маркази ташкил этиб, унга хориждан мутахассислар жалб қилинади ҳамда ҳоким ёрдамчилари лойиҳабай ишлашга ўқитилади.

Йил якунида ҳар бир тумандан энг яхши икки нафар ҳоким ёрдамчиси Хитой, Япония ва Туркияга малака оширишга юборилади. Энг намунали ҳоким ёрдамчиларига алоҳида малака даражаси берилиб, 50 фоизгача устама тўланади. Маҳалла банкирлари ҳам худди шу тартибда рағбатга эга бўлишади.

Юқорида қайд этилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан айтилган гаплар сиз яшаётган маҳаллада қандай акс садо беряпти? Оила аъзоларингиз ўзгаришларни ҳис этдими? Келгуси учрашувда ана шулар ҳақида гаплашамиз, дейман талабаларимга. Зеро, улар ҳам эртанги кунимиз эгалари сифатида ёш бўлсада, зиммаларига катта масъулият юкланаётганини, маҳалла ислоҳотларнинг қудратли кучига айланаётганини бугунданоқ ҳис этишлари керак.

Муҳриддин СОДИРЖОНОВ,
Наманган давлат университети доценти, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

КАСАБА уюшмаларида

Жамоа шартномалари ижроси таҳлили



Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Андижон вилоятида тармоқ касаба уюшмасининг туман ва шаҳар кенгашлари раислари иштирокида семинар ўтказилди.

Унда жамоа шартномаси бўйича ҳар бир ходим учун ижтимоий харажатлар кўрсаткичини ҳисоблаш методологияси батафсил ўрганилди ва раисларга амалий тушунтиришлар берилди.

Тадбирдан сўнг тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари вилоят туманларига чиқиб, тизимдаги бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа корхоналардаги жамоа шартномалари ижросини ўрганди.

Фермерларга амалий ёрдам

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан фермер хўжаликларида жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишларни тушунтириш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Асака туманидаги фермер хўжаликларининг ҳудудий бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари билан учрашув ўтказилди.

Мулоқот давомида фермер хўжаликларида тузилган жамоа шартномаларининг ҳолати, уларнинг бажарилиши юзасидан ҳужжатлар ва ҳар бир ходим бўйича ижтимоий харажатлар кўрсаткичини ҳисоблаш методологияси ўрганилди. Шунингдек, барча фермер хўжалиги касаба уюшмаси раиси ва фаоллари билан суҳбат ўтказилиб, жамоа шартномасининг ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳамда касаба уюшмасининг амалий имкониятлари бўйича батафсил тушунтиришлар берилди.

“Фозилжон орзуси” кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолияти билан танишув жараёнида қатор йўналишларда амалий ёрдамлар кўрсатилди. Бу каби учрашув ва амалий ёрдам кўрсатиш тадбирлари республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом эттирилмоқда.

Фаоллар малака оширишди



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг хотин-қизлар комиссияси раислари ўқуви ўтказилди.

Ўқувда тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич ташкилотларнинг хотин-қизлар комиссияси раислари малака оширди.

Ҳафталик ўқув машғулотлари якунида мавзулар бўйича тест синовлари ўтказилиб, тингловчиларга махсус сертификат берилди.

«Халқ сўзи».

Жорий йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон вақф форуми ўтказилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 19 279 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.20 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6